ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2 феврал сешанба
1999 йил №16 (663)

Ушбу сонда:

2 БОЗОР ИМТИҲОН ҚИЛАДИ

3 ҚИШЛОҚ ОҚШОМЛАРИ НЕГА ЗЕРИКАРЛИ?

4 АЁЛ САДОҚАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Халқаро «Кураш» Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Миллий қадриятларни, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, гуманизм ғояларини ўзида мужассам этган ўзбек кураши дунё спорт оламида янги спорт тури сифатида тан олинганлиги муносабати билан Халқаро «Кураш» Ассоциациясининг жаҳон миқёсидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жаҳоннинг 28 та мамлакати вакилларининг ташаббуси ва бевосита иштирокида Халқаро «Кураш» Ассоциацияси ташкил этилганлиги эътироф этилсин.

Кураш бўйича миллий ва қитъа федерациялари фаолиятини мувофиқлаштириш, ваколатхоналар ишини йўлга қўйиш, қитъа ва жаҳон биринчиликларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш Ассоциациянинг асосий вазифаси этиб белгиланганлиги эътиборга олинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда Халқаро «Кураш» Ассоциацияси Бош қароргоҳини жойлаштириш учун алоҳида бино ажратиб, уни Ассоциация балансига ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Халқаро «Кураш» Ассоциациясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан унинг ҳисоб рақамига 10 (ўн) миллион сўм миқдорида маблағ ўтказсин.

4. Халқаро «Кураш» Ассоциацияси ва унинг Ўзбекистон ҳудудидаги бўлимлари ва корхоналари давлат бюджетига тўланадиган ҳамма турдаги солиқлардан, божхона тўловларидан 5 йил муддатга озод этилсин.

Имтиёзли солиқ олиниши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан кураш спорт турини ривожлантириш ҳамда Ассоциациянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга фойдаланиш белгилаб қўйилсин.

Курашни ривожлантириш ҳомийларининг фойдадан тўлайдиган солиқ базаси уларнинг Ассоциация ҳисобига ўтказадиган маблағлари миқдорига мувофиқ равишда қисқартирилсин.

5. Ўзбек курашини, унинг халқаро анъаналарини, ютуқларини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Кураш» ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик, ахборот-реклама журнали таъсис этилсин.

6. Оммавий ахборот воситаларига Ассоциация фаолияти билан боғлиқ барча тадбирларни кенг жамоатчиликка етказиш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 1 феврал

КЕКСАЛАРДА ЁШЛАР ҒАЙРАТИ

- **Сиздан қарздормиз, муҳтарам Президент!**
- **Тажриба ва салоҳиятимиз Истиқлол ишига**
- **Аждодлар хотираси - муқаддас**

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, умр бўйи қаро терга ботиб ишлаб, мустақиллик йилларидагина рўшноликка эришган биз - уруш ва меҳнат фахрийлари, шу бахтли онларни кўриш насиб этганлигидан бағоят бахтлимиз. Пенсияда бўлсакда ўзимизни ҳамон сафда деб биламиз. Бутун кучимиз, салоҳиятимизни мустақиллигимизни мустаҳкамлашга сафарбар этаяпмиз, Севимли Президентимизнинг ҳаётбахш Фармонлари, ташаббуслари руҳимизни кўтариб, аъло кайфият, фахр ҳис туйғуларини жўш урдирмоқда.

Бухорода юз ёш билан юзлашган 320 нафардан ортиқ нуронийлар бор. Жондорлик Шарифа биби Худойназарова ҳам 122 ёшни уриб қўйдилар. Ўзлари ҳамиша дуода: Мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан етим-есирни, ёрдамга муҳтож кишиларни, фахрийларни мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олган, Фармони олий чиқариб бизни томорқали, уйли-жойли қилган Президентимизга кўз тегмасин, мен каби узоқ умр кўрсинлар, ҳур Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўриш насиб этсин, дея яратгандан сўрайдилар. Ўзим эса 103 ёшдаман. Шўролар даврида жуда кўп номаъқулгарчиликлар бўлди. Меҳнат кишиси қадр топмади. Дабдабабозлик, шиорбозлик кўп эди-ку, бироқ қишлоқларимиз етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида қашшоқлигича қолди.

Сиздан қарздормиз, муҳтарам Президент! Боиси, етти йилдан ортиқ вақт ичида оқил ва одил сиёсатингиз туфайли ҳур Ўзбекистон номи жаҳонга ёйилди. Энди қаддимизни ғоз тутиб:мен ўзбекман, ўзбекистонликман, дея баралла гапиряпмиз. Сизнинг шахсан ташаббусингиз шарофати билан Имом ал Бухорий, Аҳмад ал Фарғоний мажмуаларида буюк ишлар амалга оширилиб, энг гўзал, муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди. Бу жойларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти беқиёс.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари катта умид боғлаётган йигит ва қизларимиз том маънода бахтиёрдирлар. Уларнинг билим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари, тадбиркор бўлишлари учун барча шароит яратилган. Чет элларда ўқиётган фарзандларимиз истиқлолимизни маҳкам туриб ҳимоя қиладиган энг яхши мутахассислар бўлиб етишадилар, иншоолло!

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида юртбошимиз шундай дегандилар: «Бухоро қариялари ҳақида алоҳида гапирмоқчиман, уларнинг озодалиги, мўмин-мусулмонлиги, нуронийлиги барчамизга ибрат бўлади. Агар маҳаллий нуроний оқсоқолларнинг умумлашган сиймосини изласангиз, уни Бухорои шарифдан топасиз». Юксак баҳо ҳар бир уруш ва меҳнат фахрийсини ёшлардек ғайрат, шижоат билан ҳаракат қилишга ундамоқда.

9 Майни Хотира ва қадрлаш кунига айлантириш ҳақидаги Президент таклифи қалбимиздан чуқур жой олди. Бу билан аждодлар хотираси муқаддас эканлиги, Ватан озодлиги учун жонни фидо қилган ўғлонлар номи, жасорати ҳамиша ҳурмат билан ёдга олинажаги яна бир бор ўз тасдиғини топди. Пойтахтдаги мотамсаро она ҳайкали пойига ёзиладиган «Сен доим қалбимдасан, жигарим» сўзларида олам-олам маъно бор. Мен бундай ажойиб ташаббусларда ҳақиқий юртпарварлик, инсонпарварлик ифодасини кўраман.

Ўзимизга кўрсатилаётган меҳрибонликка нисбатан садоқат билан, савобли ишларимиз билан жавоб беряпмиз. Жумладан, вилоят миришкорларининг «Бухоронинг боғдорчилик шуҳратини тиклайлик» дея бошлаган ташаббусига қўшилдик. Шу ниятда «Намунали боғ», «Мураббий боғбон» мавзуларида кўрик-танловлар ўтказилди. Натижада кўпдан-кўп жаннатмакон боғ-роғлар яратилди. Бу ишда Фарғона водийсининг қўли гул деҳқонлари яқиндан ёрдам бердилар. Хайрли иш давом этмоқда.

«Нуроний» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажара бориб, ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Кўплашиб суннат тўйлар ўтказилаяпти. Нуронийлар тўйларни камчиқим, замонга хос, даврга мос тарзда ўтказишга бош-қош. Бу борадаги юртбошимиз йўлйўриқлари дастурил амал бўлиб хизмат қилмоқда. Бошқаларни қўяверинг, ўзим ҳам невара-чевараларнинг орзусини қиламан деб бир вақтлар хўп қийналдим. Ойлар мобайнида рўзғордан қисиб, беш танга йиғдик. Уни бир кунлик тўйда сарф қилдик. Шундан сўнг, анчайин ўзимизга келолмай юрдик. Шукрки, энди тўйу-маъракаларни ҳолимизга қараб ўтказаяпмиз. Буларнинг ҳаммаси учун давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтамиз.

Яратгандан тилагим, ғанимларнинг юзини тескари қилсин, севимли Ватанимиз - мустақил Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин. Халқимиз, истиқлолимиз бахтига юртбошимиз чинордек умр кўрсинлар!

103 ёшли Зокир бобо СОДИҚОВ, Бухоро вилояти



Пскент туманидаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури етти турга етди.

Корхона маъмурияти маҳсулот турини кўпайтириш билан бир қаторда унинг сифатига ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда корхона мутахассис ва ишчилари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўз малакаларини оширмоқда.

Суратларда: хамир қадоқловчилар Дилдора Орифжонова, Саноат Хонхўжаевалар.

Корхона ишчиси Дониёр Жоматов хамир қориш технологияси бўйича ўз малакасини ошириб қайтди.

ВАТАНГА ТАЪЗИМ

Мамлакатимизда санъатга эътибор тобора ортмоқда. Санъаткорларга яратилаётган шарт-шароит, уларнинг меҳнати юқори баҳоланиб, ҳукуматимиз орден, медаллари ва юксак унвонларга сазовор бўлаётгани буни яққол далилидир. Давлатимиз мустақиллигининг етти йиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримов Фармонига биноан эл ҳурматини қозонган бир гуруҳ санъаткорларга ана шундай мукофотлар берилган эди.

«Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси пойтахт санъат мухлисларига давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган таниқли хонанда, созанда ва раққосаларнинг «Ватанга таъзим» деб номланган концерт дастурини ҳавола этди. «Туркистон» саройида ўтказилган бу концертда кўпгина машҳур устоз санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, сўз усталари қатнашди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов режиссёрлик қилган концерт иштирокчилари кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик мактубини қабул қилдилар. Концертдан тушган маблағ пойтахтимизда бунёд этилаётган Хотира майдони қурилиши учун ўтказиладиган бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев қатнашди.

/ЎзА/

Хабарларда жўшқин ҳаёт нафаси

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

А.Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтида «Қизлар ҳаёт бўсағасида» мавзуида мулоқот бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг Аёллар йили муносабати билан белгилаган Дастурига мувофиқ ўтказилган бу мароқли учрашувда Жиззах шаҳридаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари хотин-қиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари қатнашди.

Мулоқотда сўзга чиққанлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларни турмушга тайёрлаш, оилани режалаштириш, қайнона-келин муносабатлари каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

ЮНЕСКОнинг тарихий ёдгорликлар бўйича етакчи вакили Андреа Бруно Қашқадарё вилоятида бўлиб, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги тарихий обидалар билан танишди. Унинг ташрифдан кўзлаган асосий мақсади соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган юрт - Шаҳрисабз шаҳрини тарихий шаҳарлар рўйхатига киритиш масаласини ўрганишдан иборат эди.

Меҳмон Қарши шаҳридаги Кўҳна Қалъа дарвозаси, қадимий Еркўрғон шаҳри ўрнини ҳам бориб кўрди.

МАҲСУЛОТ ТОПШИРУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Денов-сут» ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги бир неча туманлардан сут қабул қилиб қайта ишлайди. Корхона сут етказиб берувчи фермалар, хўжалик ва ҳиссадорлик жамиятларининг кўпроқ маҳсулот етказиб беришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида қабул қилиб олинадиган ҳар бир литр сут учун 22 сўмдан нарх белгилади. Ҳисоб-китоб нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Айни вақтда мунтазам сут етказиб берувчиларга омухта ем ажратиш ҳам белгиланган. Бундан иккала томон ҳам манфаат кўрмоқда.

ЎзА.

Зафаробод рудаси

Зафаробод туманида топилган темир рудаси конида портлатиш, қазиш, юклаш ва жўнатиш ишлари бошланди. Уни «Ўзавтойўл» концернига қарашли Жиззах, Андижон, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг йўл қурувчилари амалга оширмоқда.

- Темир рудаси Навоий вилоятининг «Қизилқумцемент» корхонасига жўнатила бошлади, - дейди «Жиззахавтойўл» акционерлик бирлашмаси раиси З.Мансуров. - Ҳозир кунига қарийб минг тонна хомашё қазиб олинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу ердаги кон заҳираси икки миллион тоннани ташкил этади.

Йўлчи ЖЎРА ЎзА мухбири.

«Сен доим қалбимдасан, жигарим!»

УМРБОҚИЙ ҚАДРДОНЛАР

Йиллар ўтаверади, ҳатто асрлар ҳам. Мана, яна бир йилдан камроқ вақт ўтиб, янги аср кириб келади. Аллоҳ умр бериб, шу кунларга етсак бугунги ҳаётдаги сафдошларимиз икки аср ҳаётига гувоҳ бўлиш арафасида. Шубҳасиз, ортда қолаётган умрнинг ҳар бир дақиқаси тарихдир. Ортга - тарихга боқсангиз ҳар бир лаҳзанинг тарихий воқелик билан боғлиқ номлари ҳам бор. Шу боис юртимизга мустақиллик нафаси кириб келган илк дамлардаёқ ҳар бир юртдошимиз ўйхаёлини бир савол чўлғаб олди. Бу: собиқ шўролар ҳукумати даврида кечган умримиз яъни, ўша тузум ўз хусусиятига мос тарзда атаб, бизни овутиб келган воқеликлар номини бугунги мустақил даврда қандай атаймиз, деган ўй эди. Бу савол нафақат юртдошларимизни, балки собиқ тузум исканжасидан озод бўлган ҳар бир юрт, миллатнинг ўй-хаёлини алғов-далғов қилгани рост. Ҳатто кўплаб юртларда бу борадаги қарашлар курашларга айланиб кетаётгани ҳам сир эмас.

Шукрким, бу ўриндаги саволлар мамлакатимизда ўзининг оқилона ечимини топиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунга келиб, биз бу ёвуз уруш номини қандай аташни, унда жанг қилган, жон берган ота-боболаримиз руҳига нима деб тиловат қилишни биламиз. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб белгилаш ҳақидаги ташаббуси халқимиз қалбидан чуқур жой олди. Ҳа, бу кун юртбошимиз айтгани ва халқимиз томонидан якдил қўллаб-қувватланганидек, жангоҳда ва уруш асорати туфайли вафот этган, катта йўқотишлардан бағри эзилиб оламдан ўтганларнинг руҳини Хотирлаш, тирикларни эса Қадрлаш кунидир. Бу қалбимиз руҳиятига, умуман, умуминсоний тамойилларга ҳамоҳанг хулосадир.

...60-йиллар. Қишлоғимиз дўконига ҳар ўнўн беш кунда ун келарди. Машинадаги ун қоплари дўконга туширилмасди. Маҳтал бўлиб кутган қишлоқ аҳолиси қопдаги унни машинанинг устидалигидаёқ орқалаб кетишади. Дўкончи пул ололганидан олади, ололмаганини «қарзлар» дафтарига илдиришга улгуради, холос. Ҳар гал ҳамма қатори Асов момо (раҳматлининг асл исмини кўпчилик қатори мен билмайман) ҳам ўзини машинага уради ва бир қоп унни тортқилаб тушириб олади. Сўнг эса кимдир унга орқалатиб қўйгач, кўтариб кетади.

- Асов момо полвонми, - дея сўрардим отамдан елкасига унни қўйишга кўмаклаша туриб.

- Ҳа, ўғлим. Бу кампирга худо уч эркакнинг кучини берган, - дерди отам.

Бу гапда нимагадир ишора борлигини кейинроқ тушундим. Асов момонинг қоп елкалайдиган уч фарзанди урушдан қайтмаган эди. Бу гапда чуқурроқ маъно борлигини эса бугун янада теранроқ англаяпман. Отам урушга уч фарзандини қурбон берган аёлга шўролар ҳукумати муносабатини ҳам нишонга олаётган экан. Ким билади, ўшанда ўз жигарбандларини қалбида сақлаб юрган аёл, балки уларнинг кучини ҳам ўз билагида, елкасида ҳис қилгандир. Биласизми, шу аёл урушдан кейин то умрининг охиригача бутун қишлоқ чақалоқларига доялик қилди. Уларнинг қанчасига жувонмард кетган фарзандлари исмини қўйди. Лекин бечора фарзандлари доғига барибир таскин излаб топмади. Туман марказидаги аскар ҳайкали унинг фарзандларига ўхшамасди...

Ўша даҳшатли урушнинг ногирони отам яқинда телеэкранда пойтахтимизда ўрнатилажак ёдгорлик — мотамсаро она ҳайкалини кўрибоқ уруш бағрини эзган ҳамқишлоқларини бир-бир эслади. Шундан буён хаёлимда Асов момо ва уруш туфайли жигарбандидан ажралган ҳар бир она «Бу аслида менман» деяётгандек бўлади.

Қишлоғимизда уруш қатнашчилари оз қолди. Уларни бугун 6 ёшли қизим бир қўлидаги бармоқларида санайди. Битта бармоғи унинг бобоси - Тошмурод бобо Латипов. Урушдан энг кўп эсдалик биладиган ўқитувчимиз Улаш Омоновнинг орамиздан кетганига анча бўлди. (Ҳозир биз ўқиган мактаб унинг номида.) Мина парчалари кавланавериб, елкалари уйдум-чуқур бўлган Шоди бобони ҳам яқинда сўнгги манзилга кузатишди. 16 ёшида урушга кетиб, урушнинг охиригача миналар устидан сакраб-сакраб омон қолган (унинг ўзи шундай ҳазил қилади) Суяр бобо Маҳмудов «уруш қатнашчиси» деган ҳужжатни ҳам ололмай кетди.

Қишлоғимиздаги уруш қатнашчилари орасида энг кўп умр кўрган Неъмат бобо Норчаев ҳам 86 ёшида раҳматли бўлди.

Отам яқинда ният қилдилар, «Насиб этса Тошкентда ўрнатилажак шу ёдгорликни зиёрат қилиб, марҳум сафдошларим, қишлоқдошларим порлок хотираси олдида таъзим қиламан.

Ниятингизга кўп марта етинг, ота!

Чори ЛАТИПОВ.

Омма ўртасида тарғибот

ЕТУК ОЛИМЛАР САФАРБАР

Фуқаролик жамияти сари дадил борар эканмиз, аввало, қонунлар устуворлигини таъминлашимиз лозим. Бунинг учун ҳар бир шахс ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши англаб, бурч ва вазифаларини адо этишда фидойи бўлишлари керак. Айни пайтда аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, демократик тамойиллар асосларини тушуниб етмаслик тараққиётга жиддий тўғанокдир. Шу жиҳатдан Вазирлар Маҳкамасининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш Миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада Тошкент Давлат юридик институти Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказимиз профессор-ўқитувчилари қатор органлар ходимлари билан биргаликда тарғибот ишларини изчил олиб бормоқда. Хусусан, бултур Президентимиз Фармонлари моҳиятига бағишланган 5176 та тушунтириш ишлари ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Айниқса, ижодий сафарлар чоғидаги учрашувларнинг самараси яхши бўлди. Баҳс ва мунозараларга бой бўлган суҳбатлар фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятнинг юксалиб бораётганлигидан далолат беради. Иштирокчилар ўзларини қизиқтираётган саволларига тўлақонли жавоб олганликларини яширишмади. Чунончи, қишлоқ хўжалигига оид «Шартнома - бозор муносабатларининг ҳуқуқий асоси», «Ер Кодекси», «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида», «Давлат ер кадастри тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ҳамда «Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзуларидаги машғулотларнинг самарали кечганлигини қайд этса бўлади.

Жойлардаги йиғилишларда олимларимиз томонидан «Аграр муносабатларни ислоҳ қилишни чуқурлаштириш муаммолари», «Қишлоқ хўжалиги, ширкат хўжалиги тўғрисида», «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ва қарорлар юзасидан қилинган маърузалар фуқароларга маъқул бўлди.

Марказ ташаббуси билан маҳалла ва талабалар ўртасида «Фуқаролик қонунлари ва паспорт тизими ҳақидаги Низом», Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш ҳақидаги Фармон моҳиятига бағишланган амалий учрашувлар, «Ёшлар, оила ва ҳуқуқ», «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари» мавзуларидаги кўрик-танловлар, жуда қизиқарли ўтди.

Бултур Марказ вилоят минтақавий бўлимлари ходимлари билан биргаликда катта тадбир дастурини тузган эдик. Ишнинг таҳлили оила тўғрисидаги қонунлар ижросига риоя қилишни яхшилаш, кўп болали ва кам таъминланган оилалар аъзоларининг ижтимоий манфаатларини қонуний кафолат даражасида таъминлаш, ногиронлар, нафақахўрлар ҳамда аҳолининг моддий-маънавий ёрдамга муҳтож қатламларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор бериш лозимлигини кўрсатди. Бунда айниқса жойлардаги хотин-қизлар кенгаши раислари, ички ишлар ходимлари, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бўлимларининг етакчи мутахассислари жонбозлик кўрсатишлари лозим.

«Оила-мактаб-маҳалла» рукни остида ҳам қатор анжуманлар ўтказиб келаяпмиз. Ушбу йиғинларга юқори синф ўқувчилари, туман прокурорлари, суд раислари, ички ишлар ходимлари, «Инсон ва қонун» газетасининг вилоятлар бўйича махсус мухбирларини таклиф этдик. Унда нафақат ёшлар тарбияси билан боғлиқ ҳуқуқий муаммолар, балки қонун устуворлиги тамойилининг ҳаётдаги амал қилиш даражаси, инсоний муносабатлар ва миллий қадриятларимизнинг барқарорлигини таъминлашда қонун нормаларининг аҳамияти, ғайри-қонуний ҳаракатлар ва воқеаларнинг кишилар турмуш тарзига, умуман, маънавиятимизга бўлган салбий таъсири каби долзарб масалалар ҳақида сўз юритилди.

Фаолиятимизнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида Адлия вазирлиги ходимлари, «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси, «Таълим», «Маънавият ва маърифат» марказлари, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигига катта эътибор бераяпмиз. Улар иштирокида вилоятларда 23, туманларда 108 та анжуман ва 10 та республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Профессорлардан Зайниддин Исломовнинг «Ҳуқуқий давлатда қонун устуворлиги ва ҳуқуқий маданият», «Давлат, жамият, оила», «Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш - демократик ислоҳотларнинг муҳим шарти», М.Усмоновнинг «Қишлоқ хўжалигида ижара», ҳуқуқшунослик фани номзоди Б.Ибратовнинг «Ижара ва пудрат», ҳуқуқшунос С.Бобоқуловнинг «Маҳалла» мавзуларида қилган чиқишлари тингловчилар билимини оширишда муҳим омил бўлди.

Марказимиз олимлари аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш мақсадида республика газеталари, радио, телевидение орқали тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Булар кутилган самарани бермоқда.

Муҳаббат БОБОЖОНОВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази бўлими бошлиғи.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Тиббиёт ходимлари учун махсус тайёрланди

Саволларингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнат ҳуқуқи Бош нозири Карим Мухторов жавоб беради.

* * *

Савол: Барча ходимларга, шу жумладан, ҳамшира ва шикофорларга ўн беш иш кунидан иборат меҳнат таътили берилмоқда. Сабабини сўрасак, ҳудудий тиббий бирлашма ходимлари бу ҳакда янги қонун чиққанлигини айтишмоқда. Шундай қонун борми?

С.Азизова, Тошкент шаҳар,
С.Рахимов тумани.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган бўлиб, у 1996 йил 1 апрелдан амалга киритилган. Лекин бу ва бошқа қонун ҳужжатларида барча ходимларга, шу жумладан ҳамшира ва шифокорларга ҳам ўн беш кундан ортиқ бўлмаган меҳнат таътили берилиши тўғрисида ҳеч нарса ёзилган эмас.

Меҳнат кодексининг 134-моддасига мувофиқ ходимларга ҳар йили ўн беш иш кунидан кам бўлмаган асосий таътил берилиши керак. Ундан ташқари, қонунда меҳнат шароити ноқулай ва алоҳида тусга эга бўлган ишларда ишлаётган ходимлар учун йиллик қўшимча таътил ҳам белгиланган. (МКнинг 137-моддаси.)

Агар ҳамшира ва шифокорлар бажараётган ишларни алоҳида кўриб чиқмоқчи бўлсак, Меҳнат кодексининг 118-моддасига биноан уларнинг меҳнатлари алоҳида тусга эга бўлган ишлар ҳисобланади. Шунинг учун улар қўшимча йиллик таътилларидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Яна бир ҳақиқат: ҳамшира, шифокор ва бошқа ходим бир неча йилдан буён қўшимча меҳнат таътилидан фойдаланиб келса-ю, охирги йилда иш берувчи буни чегаралаб қўйса, бу Меҳнат кодексининг 88, 89-моддаларини кўпол равишда бузишлик, яъни ходимнинг розилигисиз меҳнат шароитини ўзгартириш деб баҳоланади.

Шундай экан иш берувчи Меҳнат кодексининг 137-моддаси талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ходимларга йиллик қўшимча таътил бериши ва олдинги йилларда бериб келинган йиллик таътилнинг умумий муддатини сақлаб қолиши зарур.

* * *

Савол: Автосаройда баъзан ёнилғи танқислиги сабабли ҳайдовчилар ўз вазифаларини тўлиқ бажариша олмаган. Уларга бекор юрган вақтлари учун ҳақ тўланадими?

Қ.Усмонов,
Андижон вилояти.

Жавоб: Саволингиздан маълум бўлдики, ходимнинг ишламаганлигига автомобиль ёнилғиси йўқлиги сабаб бўлган ва бу ерда ходимнинг айби йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 177-моддасига мувофиқ иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши шарт.

Лекин автосарой раҳбари ходимлар меҳнатини ташкил қилмаганлиги ва ўз вақтида ёнилғи билан таъминламаганлиги учун ҳайдовчилар бекор туриб қолишган.

Меҳнат кодексининг 159-моддасига мувофиқ иш берувчининг айби билан бекор туриб қолган барча вақтлари учун уларга ўртача иш ҳақи тўланиши керак.

Иш берувчи ва ташкилот касаба уюшма қўмитаси бундай бекор туриб қолишнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўришлари зарур.

* * *

Савол: Ходимлар сони (штати) қисқартирилиши тўғрисидаги 1998 йил 10 декабрдаги 248-сонли буйруқ билан мени 1998 йил 19 декабрда таништиришди.

Бундан ташқари, 1998 йил 16 декабрдан 1999 йил 7 январга қадар «Меҳнатга қобилиятсизлик варақаси»да бўлдим.

Мени 1999 йил 12 январдаги 2-сонли буйруқ билан 1999 йил 13 январдан иш ўрни қисқариши муносабати билан вазифамдан озод қилишди. Шу тўғрими?

Х.Умурзоқова, Жиззах вилояти,
соғлиқни сақлаш бўлими ходими.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддаси талабларига мувофиқ иш берувчи ходимлар сони (штати) қисқариши тўғрисидаги буйруқ билан ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда унинг шахсий имзоси билан огоҳлантириши шарт.

Ходим шу икки ой муддат ичида иш қидириши ва бошқа ишга жойлашиш чораларини кўриши керак. Бунинг учун иш берувчи томонидан иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтада камида бир кун вақт ажратади ва бу кунни иш берувчининг ўзи белгилайди.

Бундан ташқари, ходим билан иш берувчининг ўзаро келишувига асосан, бу икки ойлик огоҳлантириш муддати пуллик компенсация билан алмаштирилиши ва ходим икки ой ўтмасдан олдин вазифасидан озод қилиниши мумкин.

Иш берувчи камида икки ой олдин ходимни касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда маълум қилиши зарур.

Демак, Сиз ходимлар сони (штати) қисқариши тўғрисидаги буйруқ билан 1998 йил 19 декабрда ёзма равишда таништирилган экансиз ва бу огоҳлантириш муддати давомида 1998 йил 16 декабрдан 1999 йил 7 январга қадар касаллик варақасида бўлган экансиз (1999 йил 19 феврал ва 22 кун касаллик варақаси) иш берувчи Сизни фақат 1999 йил 13 мартдан кейингина ишдан бўшатишга ҳақли эди. Огоҳлантириш муддати ўтмасдан олдин ишдан бўшатилган экансиз, иш берувчи ўз ташаббуси билан 1999 йил 12 январдаги 2-сонли буйруқни бекор қилиши ва Сизни 1999 йил 14 мартдан вазифангиздан озод қилиш тўғрисида бошқа бир буйруқ чиқариши мумкин. Бунда 1999 йил 13 январдан 1999 йил 14 мартгача бўлган муддатга Сизга ҳақ тўланиши ва меҳнат дафтарчангиздаги ишдан бўшатиш санаси ўзгартирилиши керак.

Агар иш берувчининг ташаббуси билан вазифангиздан озод қилиш тўғрисида иккинчи буйруқ чиқарилмаса (яъни ишдан бўшаш санаси ўзгартирилмаса), Меҳнат кодексининг 270-моддасига биноан ишдан бўшатилган кунингиздан бошлаб бир ой муддат ичида меҳнат низолари комиссиясига ёки тўғридан-тўғри судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақлисиз.

* * *

Савол: 1991 йил 22 мартдан 1992 йил 10 августгача 5-болалар шифохонасида рентгенолог бўлиб ишлаганман. Лекин меҳнат дафтарчамга «ҳамшира вазифасига қабул қилинди» деб ёзиб беришган. Ҳозир имтиёзли пенсияга чиқишим керак эди, лекин иш стажим етмайди. Бу масалани қандай ҳал қилса бўлади?

Нафиса Саидкомилова,
Тошкент шаҳри.

Жавоб: Сиз, меҳнат дафтарчангиздаги маълумотларга кўра 1969 йил 1 ноябрдан 1982 йил 29 декабргача соғлиқни сақлаш муассасаларида тиш даволовчи шифокор бўлиб ишлаб келгансиз. 1986 йил 1 ноябрда рентгенлаборант вазифасига ўтказилгансиз ва 1991 йил 20 мартда ўз ҳохишингиз билан ишдан бўшатилгансиз.

Тошкент шаҳар 5-сон болалар шифохонасининг 22.03.91 йилдаги 11-сонли буйруғи билан ҳамшира вазифасига ишга қабул қилингансиз.

«Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага асосан, меҳнат дафтарчангиздаги ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзувлар билан маъмурият Сизни таништирган бўлиши керак эди.

Бундан ташқари Сиз 1992 йилда 10 августдаги аризангизга мувофиқ ҳамширалик вазифасидан бўшатилгансиз. Бунга ҳам олти йилдан ортиқ вақт ўтган.

Ишдан бўшаганингизда Сизга меҳнат дафтарчангиз берилган ва ундаги «Ҳамшира» - деган ёзув билан танишган бўлишингиз керак. Шундай экан, ўз вақтида тегишли органларга мурожаат қилиб, бу масалани ҳал қилишингиз керак эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли «Меҳнат стажини тасдиқлаш қоидалари» тўғрисидаги қарорига биноан меҳнат стажини тасдиқлаш бирламчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Қолган барча ҳолларда бу факт фақат суд орқали тасдиқланади.

Шундай экан, Сиз ариза билан бу низоли масала бўйича судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳуқуқингизни биласизми?

ТЕКШИРУВ ХОЛИС БЎЛСИН

Хўжалик юритувчи субъектлар - корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятини эмин-эркин, собитқадам олиб боришини таъминлаш юзасидан Президент Фармони эълон қилинган эди. Хўжалик юритувчи субъектларни назорат қилишни тартибга солишни кўзлаган бу ҳуқуқий ҳужжат текширувлар вақтида ортиқча масъулиятларни зиммага олмасликни таъкидлайди. Чунончи, назорат қилиш жараёнлари нисбатан «назоратсиз» қолган даврларда хўжалик раҳбарларининг ҳуқуқи чекланган пайтлар кўп бўлади. Теширувларнинг ҳаққоний ва холислигини аниқлашда касаба уюшмалари ҳам ҳимоя майдонига тушганлар.

Айни вақтда назорат идоралари тартибига қонунчиликда кўрсатилганидек, хўжалик субъектларининг молиявий ҳолатини тафтиш қилишга ваколатли ҳисобланмиш вазирлик ва идоралар киради. Ўзга муассасаларнинг бу ишга аралашуви эса қатъиян ман этилади. Хусусан назорат-тафтиш идораси деб Солиқ қўмитаси - ҳамда бошқа назорат институтларига айтилади.

Уларнинг фаолияти Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан тартибга солиб борилади. Кенгашнинг фаолияти эса Президент Фармони билан тасдиқланган йўриқномага асосан ташкил этилади. Шу маънода текширувчи юридик ёки жисмоний субъектлар ўз ҳуқуқларини аниқ билишлари лозим.

Хусусан, текширишга келган идора вакили мазкур хўжалик тўғрисида етарлича маълумотга эгалик қилиши лозим. Бундан ташқари текширув мақсади, ўтказиш муддатлари, ваколати ҳақида ахборот олиш мумкин. Қолаверса, хўжалик юритувчи субъект назорат қилувчи идоранинг масъул ходимидан Кенгашнинг қарорини сўрашга, текширувчиларнинг исм-шарифларини қайд этишга ҳақлидир. Акс ҳолда эса бундай назорат, текширув ва айниқса тафтиш ишларига йўл бермасликка ҳаққи бор.

Ҳуқуққа доир яна бир гап. Текширув натижалари ижобий баҳоланган тақдирда ҳам хўжалик раҳбари назорат иши якуни ва хулосасини далолатнома сифатида ўзига бир нусха олиб қўйсин. Бу хулоса-далолатномаси бошқа вазирлик ёки муассаса мутахассисларига қайта текшириш учун тақдим этилиши мумкин. Шунингдек, текширувчи шахслар хўжаликнинг жорий йил ишлаб чиқариш фаолиятига аралашишга, тижорат сирларини аниқлашга ҳақли эмасдирлар.

Назорат-тафтиш Кенгаш қарорига асосан йилда бир марта ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳуқуқшунослари иштирокида ўтказилади. Фақатгина тергов ёки жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ўтказиладиган назорат-тафтиш ишлари прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

Тўғри, баъзан режада кўрсатилмаганидек, навбатдан ташқари текширувлар ҳам ўтказилади. Лекин бу жараёнлар ҳам юқорида номи келтирилган Кенгашнинг махсус қарори, текширувчи шахслар рўйхати билан амалга ошади. Йилда бир марта ўтказиладиган текширув 30 календар кунидан ошмаслиги ҳамда бу жараёнларда хўжалик юритувчи субъектнинг ёнғин хавфсизлиги, санитария-эпидемиологик, ветеринар, энергия назорати, табиатни муҳофазалаш, ўсимликларни асраш, савдо қоидаси ҳолатлари бирваракай текширилиши мумкин.

В.ДРУБАЧ.

Ҳалол меҳнат Жалолқудуқдаги «Ёрқишлоқ» корпороцияси техника ихлосманди Ҳасанбой Ўринбоевни (суратда)кўпчиликка танитди. У йил-ўн икки ой сидқидил ишлаб истеъмол бозорини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Касабақўм фаоллари

ЯХШИЛИККА БЕЛ БОҒЛАДИ

Ангор туманида кейинги йилларда тиббиёт соҳасида юксалиш бўлди. Қишлоқ шифокорлик амбулаторияларида шарт-шароитлар яхшиланди. Туман марказидаги шифохонада даволаш бўйича қатор янгиликлар яратилди. Мавжуд тиббий ускуналарнинг ҳаммасидан унумли фойдаланиш тадбирлари тузилиб, амалга оширилди. Тўғри, кўп асбоб-ускуналар эскирган, янгиларини етарли даражада сотиб олишга маблағ етишмайди. Лекин одамларда билим, куч-ғайрат бор-ку. Туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳам ана шу ишларда бош-қош бўлди.

Яхшиликка бел боғлаган касабақўм раиси Жўрабек Тошбоев ҳар бир тиббиёт ходимининг қалбига йўл топишга интилади. Бу иш эса осон эмас. Жўрабек тиббиёт ходимларини ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шунинг учун ҳам қўмита фаолиятидан кўпчилик мамнун.

Ўтган йилда соғломлаштиришга муҳтож 60 нафарга яқин ходим «Ботаника», «Турон», «Жайрохона», Абу Али ибн Сино номли, «Сурхон» санаторийларида даволаниб ва дам олиб қайтдилар. Яна бир қанча касаба уюшма ходимлари йўлланмалар билан ҳордиқ чиқардилар. Соҳа ходимларининг 130 нафар болалари «Хўжаикон» оромгоҳларида ёзги таътилларини ўтказдилар..

Ж.Тошбоев тиббиёт ходимлардан ёрдамга муҳтожларига моддий кўмак беришни йўлга қўйган. Кам таъминланган 17 ходим оиласи ҳамда 7 нафар ногирон касаба уюшма қўмитаси эътиборида туради.

— Касабақўмимиз раиси ёш, қобилиятли, ташаббускор, — дейди туман марказий шифохонасининг бош ҳакими Бўрон Қаландаров. — Бу йил унинг ташаббуси билан «Аёллар кўчма маслаҳатхонаси» ҳамда тумандаги барча умумтаълим мактабларида ёшларни турмушга тайёрлаш бўйича махсус дарслар уюштирилди.

Д. РУСТАМОВ.

ИСТЕЪДОД МАКТАБИ

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Университети журналистика факультетида «Ёш журналист мактаби» ўз фаолиятини бошлади. Ушбу мактаб асосан журналистикага қизиққан ёшларни ижодий муҳитга тайёрлаб боришга амалий кўмак беради. Тингловчилар хабар, репортаж, интервью каби жанр услубларини ўрганадилар.

Машғулотларда таниқли журналистлар билан учрашувлар ҳам уюштирилиши назарда тутилган. Тингловчилар журналистика факультети қошида чоп этилаётган «Журналист» ўқув газетаси ҳамда республика марказий газеталарида қаламларини чархлайдилар ва журналларига материаллар тайёрлаш имкониятидан баҳраманд бўладилар.

Бозор имтиҳон қилади

РАҲБАРДА ОМИЛКОРЛИК ЕТИШМАДИ

Янги йил арафасида «Урганчтаксимотор» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг бир гуруҳ ҳайдовчилари вилоят ҳокимлигига мурожаат этишди. Улар корхонада маошлар ўз вақтида берилмаётгани, қолаверса эҳтиёт қисмлар, ёнилғи билан таъмин этилмаган кунлар учун пул топшириш меъёрлари асоссиз равишда ошириб юборилганидан шикоят қилишди. Эътироз ўринли эди. Бунинг учун қаттиқ танбеҳ эшитган жамият раҳбарлари (раиси Ш.Назаров, касаба уюшмаси қўмитаси раиси Т.Искандаров) елиб-югуриб банкдан катта миқдорда ссуда олиб декабр ойи охирларида икки ойлик миқдорида маош беришни ташкил қилдилар.

Гап шундаки, бу йирик жамоа раҳбару мутахассислари бозор шароитида ишлашга ўзларини тайёрлай олмадилар. Муаммоларни ҳал этиш, иқтисодиётни юксалтириш, таъминотдаги камчиликларни қадамма-қадам ҳал этиб бориш юзасидан тадбирлар белгиланган бўлса-да улар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмади. Тажрибали ишчиларнинг таклифлари эътиборсиз қолдирилди. Вақт ўтиши билан бу ерда танг аҳвол юзага келди.

Чилангар Т.Сафарбоев: йигирма йилдан буён шу ерда ишлайман. Омилкорлик, изланиш, қатъиятлик бўлмаганлиги учун иш олдинга босиш ўрнига орқага кетмоқда. Боқимандалик кайфияти ҳамон панд бераяпти. Биласизки, ишчилар ўз вазифаларига ҳамиша сидқидил муносабатда бўладилар. Бироқ, ойлик маошлар вақтида берилмаётганлиги қўлимизни боғлаб қўйди. Ахир рўзғор, тирикчилик деган гаплар бор. Биз таъмирчилар жамиятга қарашли жами техникани иложи борича вақтида тузатиб бериш учун барча имкониятни ишга солаяпмиз. Шунингдек, четдан келган транспорт воситаларини таъмирдан чиқариб шунинг ҳисобидан кун кечираяпмиз. Идорага бунинг учун 3 минг сўм тўлаётгандик. Жорий йилнинг январ ойидан бошлаб бу кўрсаткич 8 минг сўм бўлди. Демак, янада унумли меҳнат қилиш керак. Бахтга қарши таъмирчиларга на махсус кийим, на сут-қатиқ берилади. Уч йил аввал акция сотиб олгандим. Ҳанузгача дивиденднинг тайини йўқ. Мутасаддиларга мурожаат этсак елка қисишади. Лоақал кўнгилга таскин берадиган бирор гап айтишганда ҳам майли эди...

Таъкидлашларича акциядорлик жамиятларининг ўтган йил июл ойидан буён маоши деярли тўланмай келинмоқда. Иш ҳақининг ўзидан икки ярим миллион сўм қарздор корхонада муаммолар кўпаймоқда. Омилкорлик, изланиш етишмаяпти, деб тўғри таъкидлашаяпти. Маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланмаётир. Масалан, ўтган йили жамият қарийб 300 километр узунликдаги Қизилжар массивидан 30 гектардан зиёд ер олиб деҳқончилик қилинди. Муҳим ишга тайёргарликсиз киришилгани яна панд берди: тузукроқ ҳосил олинмади. Оқибатда катта маблағ бекорга совурилди. Шунингдек, устахона томини қайтадан ёпишга анчагина маблағ сарфланди. Ёғингарчилик бошлангач, бу иш ҳам чала қилинганлиги маълум бўлиб қолди.

Бозор имиллашни кечирмайди. Кимда ким ҳамон «узрли» сабабларни рўкач қилиб, боқимандаликка берилса пировард натижада синади, иқтисодий таназзулга юз тутади. Юқоридаги мисол бунинг исботидир.

Султон АҲМЕДОВ,
Шихназар НОДИРМАТОВ.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

КАТТА ОИЛА

Пойтахтдаги «Технолог» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касабақўми раиси Аркадий Рябченко билан мулоқотимиз инсон омили мавзуида бўлди. Унинг чуқур мулоҳаза юритиши, ишчилар дилидагини, жамоа аъзолари олдида турган вазифаларни яхши билишидан узоқ йиллик бой тажрибага эга раҳбар эканлигини кўрсатиб турарди. Суҳбатимизнинг дастлабки босқичидан шулар маълум бўлдики, ҳиссадорлик жамияти ҳар бири ўзига мустақил саккизта илмий техника фирмаси ва уларда меҳнат қилаётган 1285 нафар касаба уюшма аъзоларидан ташкил топган. Бошланғич ташкилотлар жамоа аъзоларини ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш билан ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг самарадорлигига эришишига муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар. Нафақат ҳозирги вақтда меҳнат қилаётган, балки узоқ йил ишлаб пенсияга чиққанлар ҳолидан хабар олиб туриш, ўқувчилар таътили пайтида 350 нафарга яқин ишчилар фарзандларининг «Камалак» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида дам олдирилиши одат тусига кириб қолган. Сентябр ойидан бошлаб эса бу масканда ишчи-хизматчилар ҳар ҳафтанинг дам олиш кунларида ҳордиқ чиқарадилар. 21 нафар уруш қатнашчиси бир пиёла чой баҳона дастурхон атрофида йиғилишиб туришади. Фахрийлар ёшлар билан билим ва тажрибаларини баҳам кўрадилар. Анъанага айланган бундай тадбирлар ёш ишчиларнинг корхонага бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш, тажриба ўрганишларида, қадрдон жамоаларидан фахрланиш ҳис-туйғусини тарбиялашга хизмат қилмоқда. Яқиндаги учрашувда фахрийларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул мукофоти берилгани ҳалол меҳнат кишилари доим рағбатда эканлигидан далолатдир.

Жорий йил бошида - ўқувчиларнинг қишки таътили пайтида ҳам 150 нафар ўғил ва қиз «Камалак»да мириқиб дам олиб қайтишди. Шунга ўхшаш тадбирларнинг ҳаммасига маблағ корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси ҳисобидан ажратилмоқда. Шуни ҳам қайд этиш керакки, корхона фаолияти билан боғлиқ барча жабҳаларни касаба уюшмаси аралашувисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

- Ишчиларимизнинг ҳозирги кундаги ўртача ойлик иш ҳақлари 11 минг 500 сўмни ташкил этмоқда,- дейди касабақўм раиси А.Рябченко. - Бу бошқа корхоналардагига нисбатан анча юқори кўрсаткичдир. Бундай самарага жамоа аъзоларининг бирлиги, ҳамжиҳатлиги, бир мақсад атрофида уюшганлиги орқали эришилмоқда. Бунга ишловчилар билан боғлиқ биронта ҳолат касабақўм диққат-эътиборидан четда қолмаётганини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Ўрни келганда бир мисолни келтириб ўтсак. Ўтган йили ишчи Геннадий Никулин бахтсиз ҳодисага учраб, соғлиғини йўқотди. У техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилмагани учун ҳам жабр тортди. Нима қилиш керак, унинг бола-чақаси аҳволи қандай кечади? Биз ушбу масалага одамийлик нуқтаи назари билан ёндошиб, унга бир йил муддатга энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатишни таъминладик. Бунга қўшимча қилиб яна шуни айтиш лозимки, «Термист» ва «Голваника» участкаларида зарарли меҳнат шароитида ишлаётган саккиз нафар кишига қўшимча маош ҳамда таътилларига уч кун қўшиб бериш қатъий йўлга қўйилган. 125 нафар ишчига эса кунига ярим литрдан сут ва сут маҳсулотлари бепул берилмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касабақўм ҳамкорлиги амалдаги йилда янада самарали бўлиши кутилаётир. Бунинг натижаси янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ сезилди. Аёллар йили муносабати билан ишлаб чиқилган кенг дастурли тадбир амалиётга кўча бошлади. Шулардан бири «Технология» участкасида меҳнат қилаётган аёллар иш вақти ҳар жума кунлари бир соатга қисқартирилганлигидир. Ёлғиз ва кўп болали аёлларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб борилади. Барча ишчиларга махсус кийим берилади. Йилнинг ҳар чорагида аёллар маслаҳатхонаси ташкил қилинади. Уларнинг даволанишлари, нархи қиммат дори-дармонлар билан таъминланишлари, фарзандларини болалар боғчалари ва мактабгача тарбия муассасаларига жойлаштириш учун маблағ ўтказишни маъмурият ўз зиммасига олган.

Шунингдек, ушбу тадбирдан жамоа аъзоларининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муҳофазасига оид қатор юмушлар ўз ўрнини топган. Ўйлаймизки, маъмурият ва касабақўмнинг жорий йил учун мўлжаллаган тадбирлари корхонани ривожлантириш, бинобарин, ишчиларнинг ишлаш, яшаш, дам олиш ва соғломлаштириш билан боғлиқ эзгу ишларни янада қўламлироқ олиб бориш имконини беради.

Қобилжон ШОКИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ПИРОВАРД НАТИЖАГА БАРЧА МАСЪУЛ

уч сменали корхоналарда меҳнат шароити

Омилкорлик, ташаббускорлик давр талаби. Бу Бекобод туманидаги Хос қишлоғида жойлашган ғишт заводининг ўтган ўн йилларда қандай аҳволда бўлганлиги ва бугунги истиқболи мисолида яна бир бор тасдиқланди, деса бўлади. Ўтган даврларда ҳар ярим йил, бир йилда раҳбарлар алмашиб, кутилган натижа бўлавермагач, ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлган эди. Бу масканга Илҳом Ўсаров директор бўлиб келган дастлабки кунлар - 1997 йилнинг июнь ойида идора ходимлари - ҳисобчилар, иқтисодчиларнинг ҳаммаси ҳовлидаги дарахт соясида ўтириб меҳнат фаолиятларини бошлаган эдилар.

«Қаловининг сири астойдил қилинадиган меҳнатда!» Шундай шиор билан ишга киришилди. Корхонани оёққа турғазиш учун маблағ заводни ўз тасарруфига олган «Ўзсувқурилиш» концернидан олинди. Янги иш ўринларини ташкил этиш ва ишчиларни ойлик маошлари билан таъминлаш учун Меҳнат Вазирлиги 14 миллион сўм пул ажратди. Ана шундан кейин атроф қишлоқларда деярли уйма-уй юриб, одамлар ишга таклиф этилди. Дастлабки маҳсулот - маҳаллий хомашё ҳисобига пишиқ ғишт ишлаб чиқариш сифати яхшиланиб, харидорлар кўпая борди, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди. Фойда ҳисобидан иш ўринлари кўпайтирилди, иш шароитлари яхшиланди. Ғишт пишириш ишлари юқори ҳароратли печлар олдида бажарилиши ҳисобга олиниб, ювиниш, кийиниш хоналари қайтадан жиҳозланди, махсус кийим-бош берилди, тахлаш ва ортиш ишларида механизмлардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Натижада 1997 йилнинг ўрталарида бир ойда 700-750 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич ойига бир миллион, бир миллион 150 минг донага етди. 1998 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошириб бажарилди.

Уч сменада 180 киши меҳнат қилаётган ушбу жамоада кўтаринки кайфият ҳукмронлик қилаяпти. Бу ерда меҳнат қилаётган кишилар иш шароити яхшиланганлигини, оғир меҳнатларига мос калория берадиган тушлик овқат бепул тарқатилаётганлигини, ойлик маошлари 7,5-8 минг сўмга етганлигини, ишхона ҳовли ва боғларда, биноларда ободончилик ишлари яхшиланганлигини кўришмоқда. Қорамол, қўй, парранда боқишга мўлжалланган ёрдамчи хўжалик қурилиши жадаллик билан ниҳоясига етмоқда. Энг муҳими, маҳсулот сифати яхшилангач, Бекобод тумани ва Бекобод шаҳридан ташқари Тошкент шаҳридаги турли корхоналардан, Сирдарё вилоятининг Ширин, Янгиер шаҳарлари, Боёвут туманларидан буюртмачилар сони ортиб бораяпти. Ана шундай харидоргир маҳсулотни ишлаб чиқаришда Холдор Отажонов, Воҳид Сариқулов, Неъмат Абдурахимов бошчилигидаги бригадаларнинг ҳиссаси салмоқли бўлаяпти.

- Битта характерли мисол келтирай, - дейди иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари,- кўпинча бир одам бир жойга раҳбар бўлиб ўтганида атрофига ўз яқинлари, қариндош-уруғларини тўплайди. Бизда ана шундай ҳолат юз бермади. Ҳисобчи, иқтисодчи ва бошқа лавозимдаги кишилар туманнинг турли хўжаликларидан, шаҳардан таклиф этилган турли миллат вакилларидир. Ҳаммаси ўз вазифасини кўнгилдагидай бажариб келаяпти. Энг муҳими, меҳнат аҳлига эътибор кучайди. Ишчилар Тошкент шаҳрига, концертларга, футбол мусобақаларига бепул олиб борилмоқда. Бетоб бўлганларни даволаш харажатлари касалхона билан шартнома асосида корхона маблағи ҳисобига амалга оширилмоқда, тўй, маъракаларга 5 минг сўмдан ёрдам пули ажратилмоқда. «Фарҳод» санаторийси билан шартнома тузиб, ишчилар учун доимий 20 ўрин ажратиш режалаштирилган.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорлар томонидан яхши баҳоланиб, даромад ва фойда ортган сари инсонийлик ёрдамлари ҳам уюштирилаяпти. Хос қишлоғидаги ёнғиндан зарар кўрган Абдурахимовлар оиласига 10 минг дона ғишт бепул берилди. Кам таъминланган 5 оилага ун, гуруч, ёғ маҳсулотлари олиб берилмоқда. Байрамларда уларнинг ҳар бирига совға ва пул тарқатилмоқда. Инсон саломатлиги бебаҳо бойлик эканлиги ҳисобга олиниб, Бекобод туман болалар касалхонасининг иситиш тармоғи ғишт заводи маблағи ҳисобига батамом янгилаб берилди. Шунингдек, Хос қишлоғида жойлашган касалхона - амбулатория қайта таъмирланаётганда 17 минг дона ғишт бепул берилди, бир қанча тиббий ускуналар сотиб олиш учун маблағ ажратилди.

Тадбиркор, одамларнинг куч ва тафаккурларини, имкониятларини амалий ишларга йўналтира оладиган раҳбар бош бўлган жамоада мавжуд муваффақиятлар янада мустаҳкамланмоқда.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари

«ФОЗИЛОТА» ФЕРМЕРЛАРИ

Элда «бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қил» деган нақл бор. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Тоштанбойнинг нолиши ношукрликдан ўзга нарса эмас. Ахир унинг кўз ўнгида «хусусий бўлдим» дея дўппини яримта қилганларнинг қанчаси қоққанда қозиқ, осганда хурмача тополмай, ер чизиб ўтиргани ҳам бор гап-ку! Истиқлолнинг тўрт йиллиги нишонланадиган кезлар «Ниёзбоши» жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаси «Фозилота» номи билан Тоштанбой Позиловга хусусийлаштирилгандан буён ҳам қанча сувлар оқиб ўтди. Худога шукр, юзи шувит бўлгани йўқ. Ўшанда 668 бош қорамол бўлиб, шунинг 220 таси соғин сигир эди. Мана бугун ҳам 653 бош қорамол бор, шундан 210 таси сигир, уларнинг ҳар биридан кунига 10-12 литрдан сут соғиб олинаётир. Боз устига бултур 25 тонна гўшт ҳам сотилди.

- Умуман, фермамиз сутчиликка ихтисослашган, - дейди зоотехник Зокир Холибоев изоҳ бериб. - Саъй-ҳаракатларимиз ҳам кўпроқ сут топширишга қаратилган. Ўтган йили режа 400 тонна деб белгиланган бўлсада, 621 тонна сут соғиб олинди.

Муҳосиб Шуҳрат Абдутолиповнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ферма ўтган йилни 5,5 миллион сўм соф фойда билан якунлаган. Лекин, сирасини айтганда, у яна ҳам салмоқли бўлиши мумкин эди. Агарки... Аслини олганда айнан шу «агарки» туфайли ферма раҳбарининг фиғони кўкка ўрлаётир. Ферма жамоа хўжалигида эканлигида унга 560 гектар ер бириктириб қўйилган, бошқача қилиб айтганда, 470 гектар ерда эски беда, 70-80 гектарда силос учун макка, 20 гектарда эса озуқабоп лавлаги етиштирилар эди. Аммо ферма хусусийлаштирилаётганда негадир бор-йўғи 137 гектар ер ажратилди. Қўшимча майдон сўраб қишлинган мурожаатларга то ҳануз мубҳам жавоб олинаётир. Агар аҳвол шу тарзда давом этаверса, Тоштанбойга осон бўлмайди. Гап шундаки, ферма бу йилдан бошлаб наслчиликка ихтисослашмоқда. Энди у нафақат ўз равнақи, балки бошқа хўжаликлар эҳтиёжи учун ҳам ишламоғи керак. Ишончни оқлаш учун эса, зикр этганимиздек озуқа манбаи - қўшимча ер талаб қилинади.

— Айтишга мажбурман: шу кунгача туғилган бузоқларнинг бир нечтаси нимжонлиги туфайли нобуд бўлди. Ҳозир бутун ҳаёлимиз қишдан беталофат чиқиш бўлиб қолди - дея куйинади ферма раҳбари.

Рўзғор ташвишлари ва умид-орзулари ечимини худди шу ферма истиқболида деб билган ходимлар учун ҳар бир режа — умид, амалга ошган ҳар бир иш — ютуқдир. Сутни қайта ишлаш цехи қуриш ҳақида гап-сўз айланиб қолганидан уларнинг боши осмонда. Демакки... Айни пайтда бу ерда 64 киши меҳнат қилаётир. Даладаги мавсумий ишчиларни ҳам қўшганда бу рақам етмишга етади. Муҳими, ва бизда энг катта таассурот қолдиргани - ким билан суҳбатлашмайлик, меҳнатлари қадр топаётганлиги учун ҳам меҳр қўйиб астойдил ишлаётганликларини эшитиш бўлди. Ҳар бир соғувчи ўрта ҳисобда 9-10 минг сўм, Рихси Эгамбердиева, Татьяна Қўлдошева, Муқаддас Абдухалилова, Мастура Қозоқбоева, Гулнора Тўлаева сингари илғорлар эса ҳатто 14-15 минг сўмга қадар иш ҳақи олаётир. Молбоқарлар Мирзақодир Қозоқбоев, Гулбаҳор Ғуломқодирова, Турсуной Мирзараҳматова, Акбар Туропов кабиларнинг қўлига тегаётган маош ҳам ўн минг сўмга етади. Бугина эмас. Текинга бир маҳал иссиқ овқат, вақтивақти билан арзонлаштирилган нархда гўштмиди, сутмиди, унмиди - турли маҳсулотлар, ҳар байрамда улашиладиган совғасаломлар... Шундай шароитни ташлаб, ким иссиқ ўрнини совутишни истайди, дейсиз.

Эл дуоси - олтин. Эътироф этиш керакки, ферма мутасаддилари бу ўгитни маҳкам тутишган. Дуогўй қариялару, ногирон ва ночор оилалар ҳолидан тез-тез хабар олиб туриш ёзилмаган қоидага айланган бу ерда. Шунингдек, ўтган йили «Ниёзбоши» қишлоғидаги 11- ҳамда Ҳ.Олимжон номидаги мактабларнинг ҳар бирига 50 минг сўмлик бўёқ олиб берилди. Қолаверса, ферма равнақидан ён-атрофдаги болалар боғчалари ҳам манфаатдор. Нега деганда, заводга эллик сўмдан сотилаётган сут уларга ўттиз беш сўмдан ўтказилаётир.

Дарвоқе, энг яхши фермерлар ўртасида бултур ўтказилган «Ташаббус» вилоят танловида Янгийўл туманида фаолият кўрсатаётган «Фозилота» фермаси фахрли иккинчи ўринга муносиб топилди.

- Ҳаракат қилганимизда бош совринни қўлга киритишимиз ҳам мумкин эди...

Раҳбарнинг болаларча ўпкаланиши боисини кейин билдик. Қарангки, ўтган йили ферма фаолияти турли ташкилотлар томонидан кўп эмас, оз эмас - етти ой текширилибди.

- Ёрдам қилмасалар ҳам майли, ҳеч бўлмаса ишлашга халақит беришмасин, - дейди Тоштанбой Позилов. - Чакиллаб сув томиб турса, тоғ ҳам нурайди. Ахир биз тирик жонмиз-ку!

Бу сўзларни эшитиб, донишмандларимиздан қолган нақл ёдга тушди: «Мевали дарахтга тош отилади». Хайрлашаётиб, тилак билдирдик: Илоё, дарахт шохларига шикаст етмасин...

Зайниддин РИХСИЕВ.

Суратларда: Юқорида чапдан: илғор чорвадорлар Машҳура Мирзараҳматова ва Малоҳат Нурматова.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

НАМУНАЛИ ШИФО МАСКАНИ

Наманган вилоятида аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Косонсой туманининг «Ёшлик» фуқаролар йиғини ҳудудида қишлоқ шифокорлик тармоғи иш бошлагани фикримизнинг далилидир. Бир кунда 350 беморга хизмат кўрсата оладиган бу шифо маскани қурилишига 17 миллион сўм маблағ сарфланди. Тумандаги 355-кўчма жамланма жамоаси бунёд этган ушбу шифо шахобчаси аҳолининг тиббий эҳтиёжларини тўла қондиришга мослаштирилган. Шунингдек, бу ерда хотин-қизларга малакали тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор бериш кўзда тутилган. Кундузги шифохона фаолияти ҳам намунали йўлга қўйилган.

Қишлоқ оқшомлари нега зерикарли?

ТЕЛЕВИЗОР ТУЗАТИШГА ҚЎШНИ ТУМАНГА

Касби туманидаги Беруний номли жамоа ширкат хўжалигида бир вақтлар маданий-маиший хизмат кўрсатишни намунали йўлга қўйиш юзасидан сайъи-ҳаракат бошланганди. Бу борадаги тадбирларни амалга ошириш аввало иқтисодга боғлиқ. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмаганлиги, бирёқлама фаолият натижасида эзгу-ниятлар рўёбга чиқмади. Маданий-маиший, савдо хизмати талабга жавоб бермай қолди. Ҳозирги кунда хўжалик марказидаги катта маблағ сарфлаб бунёд этилган маиший хизмат уйига қадам ранжида қилсангиз ҳайратланасиз. Сабаби, сартарошхона, суратхона ҳамда этиқдўзлик, радиотелевизор тузатиш устахоналари ишламаётир.

- Соч-соқол олдириш учун қўшни Усмон Юсупов туманига ёки Бешкент шаҳрига боришга тўғри келмоқда,- дейди фермер Набулло Ботиров. - Телевизор бузилиб қолса, яна бир ташвиш. 2200 нафар аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқда қачон тузукроқ шароит бўларкин.

Одамлар газ қувурлари тортилишини ҳам сабрсизлик билан кутишмоқда. Электр энергияси бот-бот ўчиб кўнгилни хира қилмоқда. Бир вақтлар энг севимли маскан ҳисобланган маданият саройи ҳам ҳувиллаб қолди. Кутубхона, тўгараклар фаолияти тўхтаган. Қишлоқ оқшомлари зерикарли ўтмоқда. Мутасадди раҳбарлар ёшларни ўйлантираётган бу муаммоларга узрли сабабларни рўкач қилишдан бошқа жавоб тополмаяптилар.

С.ШАВКАТОВ.

OLAMDA NIMA GAP

Л О Н Д О Н. Буюк Британия ҳамда унинг НАТОдаги иттифоқчилари Косово можароларини ҳал қилиш бўйича Шимолий Алянснинг бўлажак операциясида иштирок этади. Айни пайтда Буюк Британия ўзининг ер усти ҳарбийлари ва техникаларини Косовога жўнатиш борасида кенг кўламли тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, Буюк Британиянинг Косовога жўнатилажак танк ва бошқа ҳарбий техникалари шимоли-ғарбий Германия портларидан бирида кемаларга юкланиб, Греция портига олиб борилади. У ердан эса поезд ёрдамида дастлаб Македонияга етказилади.

* * *

Б О Н Н. Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер 9-14 феврал кунлари Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқади. У сафар давомида Исроил, Фаластин мухторияти, Ливан, Сурия, Иордания ҳамда Миср бўлади. Й.Фишер мазкур мамлакатлар раҳбарлари билан учрашиб, минтақадаги можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва унда Европа Иттифоқининг иштироки юзасидан ўзаро фикр алмашади.

Й.Фишер Яқин Шарқ сафари олдидан Европа Иттифоқи, Африка, Кариб ҳавзаси ҳамда Тинч океани минтақаси мамлакатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан ўтказиладиган анжуманда иштирок этиш учун Сенегал пойтахтига ташриф буюради.

* * *

А Н Қ А Р А. Туркия Италия ҳукуматининг Курд ишчилар партияси раҳбари Абдуллоҳ Ўжалон масаласида берган баёнотидан қониқиш ҳосил қилмаганини билдирди. Туркия ташқи ишлар вазирлиги вакили Сермет Атажанлининг айтишича, расмий Анқара бу баёнотни ҳақиқатдан узоқ, деб ҳисоблайди.

Туркия билан Италия ўртасида ўтган куни ушбу баёнот юзасидан навбатдаги тортишув юз берган эди. Туркия Бош вазири Бюлент Эжевит ишончли маълумотларга таянган ҳолда, А.Ўжалон Италиядан чиқиб кетгач яна мазкур мамлакатга қайтиб боргани ҳақида баёнот берган. Ўз навбатида Италия томони бу баёнотни рад этган.

* * *

Н А Й Р О Б И. Кения пойтахтида БМТ атроф-муҳит муҳофазаси дастури бошқаруви кенгашининг /ЮНЕП/ навбатдаги сессияси бошланди.

Анжуман иштирокчилари беш кун давомида атроф-муҳитнинг ҳозирги ҳолати билан яқиндан танишиши баробарида дастур доирасида ишлашнинг устувор йўналишини ишлаб чиқишади. Шунингдек, сессияда ЮНЕПнинг 2000-2001 йилларга мўлжалланган бюджети қабул қилинади ва ташкилотнинг бундан кейинги фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилади.

* * *

П Е К И Н. ХХР ҳукумати бошлиғи Чжу Жунцзининг таклифига биноан, Сент-Люсия Бош вазири Кенни Антони етти кунлик расмий ташриф билан Пекинга келди. Мазкур сафар 1997 йилда икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилгандан кейинги илк ташрифдир.

Музокаралар чоғида ХХР билан Сент-Люсия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама қилинади.

* * *

В А Ш И Н Г Т О Н. АҚШ қишлоқ хўжалик вазирлиги маълумотларига қараганда, 1998 йилнинг 11 ойида Америка қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосидаги фаол савдо 13,1 миллиард долларни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 1997 йилдагидан 31 фоиз камдир.

Ўтган йилнинг январ-ноябр ойларида АҚШнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти ҳажми 47 миллиард долларни ташкил этган бўлиб, у 1997 йилдагига нисбатан 10 фоизга камайган. Худди шу даврда импорт ҳажми эса 33,9 миллиард долларга етган.

* * *

Т Е Ҳ Р О Н. Эрон ўзининг Афғонистон билан чегарадош ҳудудларидаги ҳарбий кучларини минтақада тинчлик ва хавфсизлик тиклангунга қадар сақлаб туради. Эронда чиқадиган «Теҳрон таймс» газетаси шу ҳақда хабар тарқатди.

Эрон ҳукумати «Толибон» ҳаракати раҳбариятидан ушбу гуруҳ жангарилари томонидан ўлдирилган Эрон журналисти ва дипломатлари қотилларини жазолашни талаб қилмоқда. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакилининг сўзларига қараганда, бугунги кунда Эрон раҳбарияти олиб бораётган сиёсат минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга қаратилган.

* * *

Б А Ғ Д О Д. Россиялик 100 нафар мутахассис Ироқнинг энергетика объектларини таъмирлаш учун Бағдодга келди. Маълумки, ўтган йилнинг декабр ойида АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳаводан Ироққа ракета зарбаси бериши оқибатида мамлакатнинг энергетика объектларига жиддий шикаст етган эди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, россиялик мутахассислар ушбу тадбирни «Нефт эвазига озиқ-овқат» дастури доирасида амалга оширади.

* * *

Б О Н Н. НАТО Бош котиби Хавер Солана амалий ташриф билан Германияга келди. У ташриф давомида мамлакат канцлери Герхард Шредер билан учрашади. Музокарада томонлар Косово можароларини тинч йўл билан ҳал қилиш, Шимолий Алянснинг жорий йил апрел ойида бўлажак саммитига таёргарлик кўриш ҳамда НАТОнинг шарққа томон кенгайиши билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашади.

Шунингдек, Х.Солананинг Германия ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари Йошка Фишер ҳамда Рудолф Шарпинг билан ҳам учрашиши режалаштирилган.

* * *

Г А А Г А. Курд ишчилар партияси раҳбари Абдуллоҳ Ўжалон Нидерландияга келиш арафасида. Бу ҳақда унинг нидерландиялик оқловчиси Бохлер хабар берди. Лекин у А.Ўжалоннинг қайси мамлакатдан келиши ҳақидаги маълумотни ошкор қилмаган.

Бохлернинг айтишича, КИП раҳбари хусусий самолётда Роттердам аэропортига келади ва у ерда А.Ўжалонни оқловчилар кутиб олади. КИП раҳбари Туркия ҳукумати билан Курд халқи ўртасидаги келишмовчиликни бартараф қилиш борасида воситачилик рухсатномасини олиш учун Гаагадаги доимий ҳакамлик судига мурожаат қилишни режалаштирган, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбири.

/ЎзА/

«Ишонч» танловига

ТЎРАБОЙ ПОЛВОН

Сурхондарё азал-азалдан алп-қомат мардлар воҳасидир. Воҳада Ўтаевлар сулоласи айниқса довруғ таратган. Рўзи полвоннинг ота-бобоси ҳам полвон ўтишган.

Қилич шеркат, Аймат ва Боймат туя (шеркат ва туя сўзлари полвонларнинг кураш тушган кезлари олган лақаблари) даврага чиққанларида мухлислар, ишқилиб четдан келган полвонлардан битта-яримтаси адашиб майдонга чиқиб қолишмасин-да, деган хавотирда даврани жимгина кузатишарди. Улар биринчи ҳаракатдаёқ ҳар қандай полвоннинг курагини ерга теккизишган.

Сўнгги пайтларда Рўзи полвон юрагини аллақандай ғашлик эзарди. Наҳотки Ўтаевлар сулоласи мен билан якун топса... Баъзан узун кечалар кўзига уйқу келмасди.

Рўзи полвон ўзини қийнаётган дардни яқин дўстларидан бирига очаётганида кичик ўғли Тўрабой бу гапни эшитиб қолди. Томирида боболарининг қони жўш уриб турган йигитча отасига деди:

- Ота, ташвишланманг. Ўзингиз устозлик қилсангиз, ваъда бераманки. Ўтаевлар сулоласининг шуҳрати сўнмайди. Ўғлининг шижоатидан Рўзи полвоннинг боши осмонга етди.

- Раҳмат, ўғлим. Илоё, ниятинг ижобат бўлсин,- дея дуо қилди.

Тўрабой ўз сўзида турадиган йигитлардан бўлиб чиқди. Ҳар куни касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг махсус самбо мактабидаги машғулотларига мунтазам қатнашди. Вилоятдаги кўпгина мусобақаларда, тўйҳашамлардаги беллашувларда ғолиб бўлаётганини кўрган ота Тўрабойга алоҳида эътибор билан қарай бошлади.

Натижада омад йигитга кулиб боқди. 1996 йили пойтахтда ўтказиладиган анъанавий «Паҳлавон» турнирининг мутлоқ ғолиби бўлди, 1997 йил Республика ўсмирлар ўртасидаги курашда чемпионликка эришди. 1998 йил ёш паҳлавон учун янада омадли келди. 4-7 май кунлари самбо бўйича Ўзбекистон ўсмирлар чемпионатида «Ўзбекистон чемпионати», июн ойида Москвада ўтказилган бутун жаҳон ёшлари кураши ўйинида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Ноябрда Тошкентда ўтказилган «Паҳлавон» Республика турнирида бош совринни қўлга киритди. Ана шу мусобақада Тўрабой Ўтаев «Ғалабага бўлган иродаси учун» махсус мукофот билан тақдирланди.

Айни кунларда у Термиз Давлат университетининг жисмоний тарбия ва маданият факультетида иккинчи босқичда тахсил олмоқда. Қаҳрамонимиз эндигина ўн тўққиз ёшга тўлди. Ҳали нурли манзиллар, барча қувончлар устозлари эътироф этганларидек олдинда.

- Ўзбекистон номини улуғлаш ҳар бир спортчининг энг катта орзусидир, - дейди полвон ғурурга тўлиб.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Маҳалланг - отанг, онанг

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

Арнасой туманидаги Янгибўстон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида салкам 5 минг аҳоли яшайди. Унинг раиси Эрмуҳаммад Ражабов ана шуларнинг деярли ҳар бирини номма-ном билади.

Эрмуҳаммад ён дафтарини варақлаб, бугун қиладиган ишларини белгилаб олди. Унда шу куни қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги хўжаликларга ғалла майдонларини пайхондан асраш учун кўнгилли ёшлар гуруҳларини юбориши, кекса механизатор оиласига моддий ёрдам бериш, туман санитария хакими билан кўчалар озодалигини кўздан кечириш, озиқ-овқат дўконларида 8 тур маҳсулотнинг бор-йўқлигини назорат қилиши кабилар ёзилган эди.

У дилкаш одам экан. 32 нафар кўча маслаҳатчиси билан ҳамкор қандай ишлар амалга оширилганини камтарлик билан гапириб берди.

Бу ерда учта ўзбек ва битта тожик мактаби, 2 та болалар боғчаси, йирик маиший хизмат мажмуи, қишлоқ шифокорлик маскани, дорихона, санъат саройи, тўртта озиқ-овқат дўкони, бозор ишлаб турибди.

Республикамиз Президентининг тўй ва маросимларни камчиқим ҳамда дабдабаларсиз ўтказишга оид Фармони эълон қилингач, кўча маслаҳатчилари уйма-уй юриб, фармон моҳиятини чўлқуварларга атрофлича тушунтирдилар. Шундан сўнг ўтказилган тўйлар ниҳоятда тартибли, камчиқим ҳамда миллий удумлар асосида ўтганлиги барчага манзур бўлди.

Жорий йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва кўча маслаҳатчиларини аёллар нуфузини ошириш, уларни эъзозлашга оид тадбирлар ишлаб чиқишга даъват этди. Маҳалла ҳудудда қанча хотин-қиз яшаши, уларнинг ёшлари ва саломатликлари тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга олинди. Даволанишга муҳтожлар биринчи навбатда ёрдам оладиган бўлишди.

Фуқаролар йиғини қарорига кўра кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, уруш қатнашчиларига қишлоқ мулкдорлари томонидан ойига 500 сўмдан ёрдам пули, байрам ва тантаналарда 1000 сўмлик совғалар бериладиган бўлди.

Хайрли ишларни амалга оширишда маҳалла оқсоқолларидан Аброр Раҳмонов, Масариддин Ширинов, Жўрабой Ғойибовларнинг хизматлари салмоқли бўлаётир. Улар ҳудуддаги хўжаликларнинг дала ишларига одамларни ихтиёрий сафарбар этишда ҳам бошқошдирлар.

Арнасой туманида кейинги йилларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мавқеи ва фаоллиги анча ошди. Бултур туманда давлатга ғалла сотиш режаси 105 фоиз, пилла сотиш режаси 110 фоиз бажарилди.

Бунда Янгибўстон қишлоқ фуқаролар йиғини аҳил жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ОНА ЮРТ ЖАМОЛИ

Юртимиз қиёфаси кун сайин гўзаллашиб бораётганини нафақат пойтахт кўчалари манзаралари, балки турли вилоятларимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Гулистон шаҳрида мустақиллик йилларида қад ростлаган бинолар шаҳар қиёфасини қайта кашф этди, десак хато бўлмайди.

Яқинда янги «Улгуржи савдо бозори» биноси фойдаланишга топширилди. 450 дан ортиқ савдо ўринлари, чойхона, сартарошхона, ошхона каби хизмат соҳалари учун мослашган бу бино тижоратчилар ва харидорларга қулайлик яратиш билан бир қаторда шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди.

Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.

Шифобахш неъматлар

БЕҲИ

Беҳи атиргулдошлар оиласига мансуб, бўйи 12 метрга борадиган сершоҳ дарахтдир. Унинг барглари тукли, тухумсимон ёки кенг эллипссимон, банди калта, шохларда кетма-кет жойлашган бўлади.

Меваси эса тукли, сариқ ёки тилларанг бўлиб, кўриниши юмалоқ ёки бир оз чўзиқ бўлиши мумкин.

Беҳи меваси етилиб пишганда сершира бўлади. Беҳининг таркибида 74,7-85,5 фоиз сув, 8,5-15,2 фоиз қанд, 0,2-1,5 фоиз органик кислота, С витамини ва бошқа моддалар мавжуд.

Ўзбекистонда беҳининг асосан Нон беҳи, Қува беҳиси, Ширин беҳи, Нордон беҳи каби навлари экилади.

Халқ табобатида беҳидан турли касалликларни даволашда шифо сифатида фойдаланилади. Жумладан, беҳи уруғи билан узум шарбатининг қайнатмаси камқонликда ва ичбуруғда ишлатилади. Илмий медицинада эса беҳи уруғидан тайёрланган қайнатма кўз оғриганда, юқори нафас йўллари шамоллаганда даво сифатида қўлланилади.

Булардан ташқари беҳи шарбати меъдани кучайтиради ва балғам қусишни тўхтатади. Унинг сиқиб олинган суви астма касалини даволашда фойдалидир. Шунингдек, у қон туфлашни ҳам тўхтатади.

Беҳи қусиш ва хуморга қарши фойда қилиб, чанқовни босади, чиқиндиларни қабул қиладиган меъдани кучайтиради. Уруғи эса томоқ қирилишида фойда қилади ва ўпка найини юмшатади.

Беҳининг фойдали томонлари ва шифобахш хусусиятлари жуда кўпдир. Бу шифобахш мева кишида терлашни тўхтатишда ҳам яхши ёрдам беради. Унинг ёғини совуқдан ёрилган жойларга, буйрак ва қовуққа суртилса, жуда ҳам фойдалидир.

Шунингдек, беҳининг қўрга кўмиб пиширилганини кўздаги иссиқ шишларга қўйилади. Агар уни овқатдан кейин истеъмол қилинса, ични суриш хусусиятига эга. Бордию кўпроқ ейилса, овқатни ҳазм бўлишидан олдинроқ чиқариб юборади.

ДЎЛАНА

Дўлана - раъногулдошлар оиласига мансуб тиканли дарахт ёки буталар туркумига киради. Ўсимликнинг бўйи 10 метргача етади. Дўлананинг йирик барглари яшил бўлиб, гуллари оқ пушти, кўп ҳолларда қалқонсимон мураккаб тўпгулларга жойлашгандир.

Мевалари эса турига қараб, қизил ва сариқ рангда бўлади. Уларда иккита-учта данакча бор.

Дўлана мевалари таркибида қанд, ёғ, каротин, С витамини, органик кислоталар мавжуд. Ўсимлик гулларида юқорида қайд қилинган моддалардан ташқари 0,16 фоизгача эфир мойи бор.

Дўлана республикамизнинг деярли барча тоғли туманларида ўсади. Ундан халқ табобатида киши толиққанда, уйқусизликда, юрак атрофида оғриқ пайдо бўлганда даво сифатида фойдаланиб келинган. Шунингдек, у сафрони сўндиради, бошқа меваларга қараганда суюқликларнинг оқишини кучлироқ тўхтатади.

Дўлана ични тўхтатиш хусусиятига ҳам эгадир. Шу билан бирга бу мева сийдик тутилишини туғдирмайди.

Дўлананинг шифобахш хусусиятларидан ҳозирги замон медицинасида ҳам кенг фойдаланилади.

Турмуш чорраҳаларида

АЁЛ САДОҚАТИ

Эрталаб бошига катта қора шол рўмол ёпиниб олган аёлни иккинчи марта қабристон йўлида учратдим. Оғиз очганимча бўлмасдан орқа ўриндиқда ўтирган шеригим:

- Самияхон ая даштдан қайтяпти, кўпинча тонг саҳар эрининг қабрини зиёрат қилишга чиқади,-деди. Шаҳарнинг кун ботиш томонидаги қадимий адирликларни маҳаллий халқ «дашт» деб атайди.

- Қайси Самияхон аяни айтяпсиз? - ҳаёлимда нимадир «йилт» этгандай бўлди.

- Анави машҳур Эргашев бор эдику, бултур оламдан ўтган, Шуҳрат Қосимовичнинг отаси,- шеригим марказда ишлаётган юқори лавозимли раҳбарлардан бирининг номини тилга олди.

- Шунақами? Аяни танийман. Анчадан бери кўрмаганимгами, хийла ўзгариб кетибди.

- Чоли вафотидан кейин чўкиб қолди бечора.

- Қизиқ, ўғли ўзи билан олиб кетмаганми?

Шеригим афсусланиб бош чайқади:

- Шуҳратжон ялиниб-ёлворипти. Унамаётганмиш. «Дадангни ёлғиз ташлаб қандай кетаман. Ҳар тонг кутади мени. Сен йўқлигингга яраша лоақал мен бориб турай, руҳлари шод бўлсин», деганмиш.

Қосим акани танирдим. Кексаларнинг таъкидлашларича, салкам эллик йил раҳбарлик лавозимларида ишлаб ўзига гард юқтирмаган. Вафот этганида фотиҳага борганимда кўрганман. Отасидан мерос қолган оддийгина ҳовлида яшаган экан.

Айтишларича, Қосим ака водийнинг илк тракторчиларидан бўлган. Кечки мактабни битиргач, ўқишни Тошкентда давом эттирган. МТС директорлигигача кўтарилган.

У маҳалларда Шуҳрат Қосимович вилоятда ишларди. Ҳар куни кечқурун 60-70 чақирим йўл босиб қарияларни кўриб кетарди. Эсимда, Қосим аканинг тушликдан чиқиб арғувон остидаги ўриндиқда ўзига тенгқур Валихон акага куйиниб гапираётгани қулогимга чалинганди.

- Боласи тушмагурни қаранг, - деганди ўшанда у. - Йиғилишдан чиқиб ярим тунда кепти. Йўл олис. Бошида мендан бошқа ташвиши йўқми? Тонг саҳардан тағин вилоятнинг нариги бурчига қараб югуради. Сен қайтиб кетгач, биз хавотир оламиз, деб қойисам:

- Нима, мен гўдакмидим, ҳавотир оласизлар. Йўлдаям ухлаб кета бераман. Мени эмас, ўз соғликларингни ўйланглар. Мен учун энг аввало, сизлар кераксиз,-деб гап уққиси келмайди. Шу куни Қосим ака кечки овқатланишга чиқмади. Суриштирсак, қон босими ошган экан. Валихон ака икковимиз сой бўйида гурунглашиб ўтирардик.

- Бир сирни очайми сизга,- деб қолди оқсоқол. Баъзилар туққан ота-оналарининг қадрига етишмайди. Мана шу Шуҳратжонни аслида Қосим ака асраб олган.

- Наҳотки? - Ўзларининг фарзандлари бўлмаганми?

- Ҳамма бало шунда-да. Эр-хотин Тоҳир-Зуҳрадек аҳил эдилар. Қарашса, тирноққа зор ўтишадиган. У маҳалда мен Қосим ака ишлаган туманда ижроқўм раиси эдим. Маслаҳат солди. Маъқулладим. Тўғри қилишган экан. Шуҳратжон ақлли йигит бўлди. Ўсиб-унсин!

- Самияхон ая чолига жуда меҳрибон экан.

- Рост, тенги йўқ аёл,- Валихон ака гапимни маъқуллади. Етмиш йиллик умримда эрига бунчалик ғамхўр хотин кишига дуч келмадим. Борига ҳам чидашди, йўғига ҳам.

... Машина ҳамон олдинга интиларкан, мен ана шу воқеаларни кўз ўнгимдан ўтказдим.

- Майли кўчиб бормаса-бормас,-дедим мен. - Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирмоқчи бўлган баъзи бировлар эр-хотин садоқатини шу ая мисолида кўриб юришсин.

- Менга ихтиёр беришса, шу аёлга ҳайкал қўярдим. - шеригим гапларимни маъқуллади. Бу - аёлларимизга ҳурмат-эҳтиром рамзи бўлиб қоларди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Нафс бандалари

НОШУКУР

Халқимиз хўп топиб гапиради-да. Ҳақиқатан ҳам инсофи йўқ одам имкони топилди дегунча фойда орттириш, бошқалар ҳаққидан юлиш пайида бўлади.

Деҳқонобод туманидаги Белибойли савдо очиқ ҳиссадорлик жамиятининг дўкон мудири Й.Бабановга нима етишмас эди? Ҳалол-покиза ишласа ҳам дўкондан топгани рўзғорини тебратишга бемалол етар эдику. Йўқ, борига барака демади, беш бармоғини оғзига тиқди. Натижада 333.319 сўм камомадга йўл қўйилди.

Солиқчилар шу жамиятга қарашли 6-7 дўконлардаги молларни ҳам ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар. Уларнинг ҳар бирида ҳам хўроз бир хилда қичқирган экан. Биринчи дўкондан 119914 сўм, иккинчисидан эса 157257 сўм камомад чиқди. Айни шу кунларда дўкон мудирлари Б.Ёдгоров, Л.Аминовлар ўзларини қўярга жой тополмай юришибди.

БИРИ ОШИРДИ, БИРИ ЯШИРДИ

Муборак туманидаги «Кўприк» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбарлари «қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқишидан» хабардор бўлсалар-да, тўғри йўлдан тойдилар. Унча-бунча эмас, роппа-роса 3061700 сўмлик қўл урилмаган иш бажарилди деб расмийлаштирилди. Бундан улар озмунча фойда кўришмагандир, дейсизми? Албатта-да, мушук бекорга офтобга чиқармиди?!

Қарши шаҳридаги «Гўзал» масъулияти чекланган жамиятида эса даромад солиғидан 72093,1 минг сўм яширилганлиги аниқланди. Жамият раҳбарлари бундан халқ ва давлат қанчалик зарар кўришини билмасмидилар? Билганда қандоқ! Бироқ, шахсий фойда кўриш истаги давлат бюджети кўрадиган манфаатдан устунлик қилди.

Ҳар икки ҳолатда ҳам қонунбузарлар қилмишларига яраша жазоланишлари шубҳасиз.

ТАДБИРКОРЛИК ҲАЛОЛЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Косонлик тадбиркор Шаҳло Дилмуродова суд томонидан 33000 сўм жаримага тортилди. Нега? У тадбиркорлик қоида-қонунларини бузди, солиқ ва тўлов интизомига риоя қилмади. Солиқ инспекцияси мутахассисларининг бир неча бор огоҳлантиришларига қарамасдан, лицензиясиз фаолият кўрсатишни давом эттираверди. Натижада унга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди.

Ўтган йил мобайнида солиқ қонунларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган 5036 текшириш ва рейдларда 4230 қоидабузарлик ҳолатлари аниқланиб, 3681,1 минг қўшимча ҳамда 735,8 минг сўм молиявий санкциялар ҳисобланди. 3175 фуқародан давлат фойдасига 7897,6 минг сўм жарима ундирилди.

Шаҳрисабз туман солиқ инспекцияси маъмурий органлар билан ҳамкорликда ўтказган рейдда «Ҳилол» савдо уйига қарашли дўкон мудири Умар Ҳакимов, сертификатсиз сотаётган 16 минг сўмлик турли маҳсулотлар, фуқаро Шерзод Қурбонов пуллаётган акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари мусодара қилинди.

Қамаши тумани бозорлари ҳамда савдо майдончаларида сифатсиз арақ, пиво, яхна ичимлик, гўшт ва турли тамаки маҳсулотларини пуллаётган В.Холбоева, Н.Раҳимова, Н.Авлиёқулова, Х.Даминовлар ҳам қонунбузарлик устида қўлга тушдилар.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Ҳар бир давлат ўзининг гербига эга. Гербда эса, албатта, ана шу давлат орзу-умидини ифодаловчи шиор бўлади. Масалан Африка қитъасидаги ёш Ботсвана давлати гербига шундай шиор ёзилган: «бор бўлсин ёмғир!»

* * *

Турли мамлакатларда ҳар йили «эгизаклар съезди» чақириб турилади. Шуларнинг энг каттаси Швейцарияда бўлиб ўтди.

Бернга, ўз съездига 1500 эгизакни таклиф этди. Энг катта жуфтлик 89 ёшда бўлса, энг кичик делегатлар энди уч ойга тўлишганди.

* * *

Франциянинг Страсбург шаҳрида ғалати архив ташкил қилинди. Унга шу кунгача маълум бўлган барча юлдузлар тўғрисидаги маълумотлар ёзилади. Ҳозир бу ноёб архивда 1 миллион 100 минг дона юлдуз тўғрисида маълумот бор.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ МУСТАҚИЛ ГАЗЕТАСИ ИШОНЧ

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85--66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-19-11.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа боштаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0113. Нусхаси — 17.395.